

ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИНИ МАЗМУНАН МОДЕРНИЗАЦИЯДАШ ХАМДА СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

О.А.КУЙСИНОВ,

Изомий номдаги ТДПУ профессори,
педагогика фанлари номзоли, доцент

Технология фанини компетенциявий ёндашувига асосланган Давлат таълим стандартига технология ўқув фанини ўрганишнинг асосий мақсади – ўқувчида техника-технологик ва операция билим, кўникма, малакаларини ривожлантириш, касб-хунар танлаш, миллий ва ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимда технология ўқув фанини ўрганишнинг асосий вазифаси:

- буюм ва маҳсулот турларини, уларни тайёрлаш ва ишлов бериш усулларини билиш, технологиялик лойиҳалаш ҳамда амалга ошириш компетенциясини шакллантириш;
- психомотор, функциялионал ҳамда амалий фаолият турларини бажаришдаги операцияларни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

Технология фани - ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчилар томонидан бажариладиган ақлий ва жисмоний харакаتلар жараёнидан иборат бўлиб, яқиний натижада уларнинг меҳнат қуроллари, воситалари ва жараёнлари хақидаги билимларини ҳамда маълум соҳаларни ишлаб чиқариш меҳнатини бажариш учун зарурий амалий кўникма ва малакаларини эгаллашларида, онгли равишда ва шахс фаровонлиги йўлида меҳнат фаолиятига қўшилишларида имкон берувчи шахсий сифатларини ва тафаккурларини ривожлантиришга қаратилган ўқув фанидир.

Хозирги кунда ёшларнинг ўрта махсус, касб-хунар коллежларида ўзлари кизиккан касб-хунарлари эгаллашлари жараёнида турли номутаносибликлар вужудга келмоқда. Жумладан, ўқувчиларнинг касб танлашларидаги номутаносибликлар ҳамда техникага, яъни машинасозлик, электроника, электротехника, саннат каби соҳаларга ёшларнинг кизиккишлари қучи эмаслиги натижада ўшбу соҳаларга ихтисослаштирилган коллежлардан паст эканлиги кўринмоқда. Ўшбу боғатанлиги, ўшбу коллежларнинг нуфузи бошқа коллежлардан паст эканлиги кўринмоқда. Ўшбу сифатли ёшларнинг умумий ўрта таълим мактабларида техникага онгли бошлангич кўникмаларини шакллантиришга эътибор берилаётганлигини кўрсатишимиз мумкин. Ўшбу кўникмалар асосан технология дарсларида шакллантирилишини ҳисобга олсак, ўшбу фанга эътиборни қўяйтириш даяр талаб эканлиги яққол намойён бўлади. Айнан технология фанида ўқувчиларнинг ҳам интелектуал, ҳам жисмоний билим, кўникма ва малакалари ўйғунлашган ҳолда шаклланиши ҳамда техникага онгли меҳнат қилишнинг сенсор кўникмаларининг касб танлашда эътиборга олинатиغان омиллар хақидаги маълумотлар фаннинг асосий мақсади сифатида берилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган "Меҳнат таълими" фани номи "Технология" фани деб ўзгартирилади ҳамда бугунги кун талабларидан келиб чиқиб мазмунан модернизациялаштирилган ҳолда меъёрий ҳужжатлари тайёрланмоқда.

Умумий ўрта таълим мактабларининг ўқув режасида технология ўқув фанига 1-4-синфларида ҳафтада бир соатдан, 5-7-синфларида ҳафтасига икки соатдан ва 8-9-синфларида ҳафтасига бир соатдан, ҳаммаси бўлиб 407 соат вақт ажратилган.

Ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш жараёнида касб-хунарда йўналтиришнинг янада қўяйтириш, уларни замонавий ишлаб чиқариш асослари, ёрочта, металл ва газламат ишлов бериш технологияси, пазандачилик асослари, кишлоқ хўжалик асослари, балний меҳнат технологияси ва машина элементлари йўналтишлари бўйича билим, кўникма ва малакаларини эгаллашлари кўзда тутилган.

5-7-синфларида ўқувчиларнинг ижтимоий-эстетик лиий ва дунёқарашини кенгайтириладиган, меҳнатий ҳаёт ва турмушда керак бўладиган юқорида кўрсатилган ўқув режалари ўқувчиларга мўлжалланган ва анъаналарига меҳр-мухаббат уйғотлади. 8-9-синфларида касб-хунарларида йўналтириш курси таълим олувчиларнинг ижтимоий дунёқарашини кенгайтиради, касб-хунар таълими йўналтиришнинг онгли равишда танлашларида кўмаклашади.

Технология фанининг йўналишлари мактаб атрофидаги корхона, ташкилот ва касб-хунар коллежларида кенг тарқалган соҳалар касбларга мувофиқ танлаб олинади. Шунга кўра ҳар бир мактабда меҳнат таълимнинг “Технология ва дизайн” ва “Сервис хизмати” йўналишлари асос қилиб олиниши мумкин.

Ушбу йўналишларнинг ҳар бири, юзасидан қуйидаги билимлар бўйича ўзаро уйғунлаштирилган назарий билимлар берилади ва амалий иш кўникмалари шакллантирилади.

- Материалшунослик асослари;
- Асбоб-ускуналар ҳақида маълумот ва ишлатиш усуллари
- Машина механизмлари, станоклар ва мосламаларнинг тузилиши ва ишлатиш асослари
- Маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси;
- Халқ хунармандчилиги касблари бўйича умумий маълумотлар бериш ва ўзаро турдош учта касб йўналиши бўйича касбгача тайёргарликни амалга ошириш.

Бундан ташқари ҳар бир асосий йўналиши бўйича уй-рўзғор маданияти ва унга тегишли таъмирлаш ишларини бажариш кўникмалари шакллантириб борилади.

Ҳар бир йўналиш бўйича ишлатиладиган электротехника воситалари, улардан тўғри фойдаланиш ҳамда таъмирлаш ишлари ўргатилади.

Ҳар бир асосий йўналиш бўйича компьютер техникаларидан фойдаланиш масалалари юзасидан дастлабки маълумотларни бериш кўзда тутилади.

Ҳар бир дарс мазмунига боғлиқ ҳолда иқтисодий, ҳуқуқий, экологик билимлар ҳамда хавфсизлик техникаси қоидалари ўзаро уйғунлаштирилган ҳолда ўргатиб борилади.

5–7-синфларда технология фани йўналишларининг ҳаммаси учун уйғунлаштирилган бадиий меҳнат технологияси ва машина элементлари машғулоти ўтказилади. Дастурда бадиий меҳнат технологияси машғулоти барча йўналишлар бўйича умумлаштирилган ҳолда берилган, улардан тегишли йўналишларга доир мавзулар ўқитувчи томонидан ажратиб олиниши лозим.

Технология дарсларида ўқувчилар касблар турларига оид билим, кўникма ва малакалар мактаб жойлашган ҳудуддаги имконият ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда танланадиган касблар асосида шакллантирилади.

Технология дарсларини ташкил этишда замонавий таълим технологиялари ва воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, инновацион педагогик технологияларни жорий этиш натижасида ўқувчиларда технология фанига бўлган қизиқишлари ортиши, амалий машғулотларда меҳнат объектларини бажариш бўйича аниқ тасаввурларга эга бўлиши, меҳнат операцияларини бажариш бўйича чуқур билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишида кенг имкониятлар очади.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, технология фанини ривожлантиришдаги муаммоларни бартараф этиш мақсадга эришишнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Технология фанини самарали ташкил этишда қуйидаги муаммолар борлиги аниқланди.

1. Технология фанининг нуфузи пастлиги, мазмунан эскирганлиги яъни технология фани дастурида кўрсатилган мавзулар замон талаби даражасида эмаслиги. Ушбу муаммоларнинг ечими сифатида қуйидагича фикр мулоҳазаларни билдирмоқчимиз:

Ҳозирги кунда умумий ўрта таълим мактабларида технология фанига паст назар билан қараш шаклланиб қолган. Технология фанида меҳнат қилиш билан шуғулланиш керак деган фикр билан технология ўқитувчиси ва ўқувчилар мактабнинг жамоат ишларига ва тозалаш ишларига жалб қилинмоқда. Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун технология дарсларини замон талабларига жавоб берадиган, жаҳон стандартлари асосида, мавжуд имкониятлар ҳамда шароитларни ҳисобга олган ҳолда ҳам мазмунан, ҳам тузилмавий жиҳатдан модернизация қилиш керак бўлади.

2. Методик таъминот. Умумий ўрта таълим муассасаларида дарсликларнинг ва ўқитувчилар учун методик қўлланмаларнинг етарли эмаслиги. Технология дарсларидан методик адабиётлар яратилмаганлиги мавжудларининг эса маънан эскирганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу муаммони ҳал қилиш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан 2011 йилдан буён босқичма-босқич дарсликларни яратиш бўйича ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги давргача бир қанча дарсликлар яратилган бўлсада, республикадаги барча мактабларга етиб бормаганлиги ва ўқувчилар сонига нисбатан етарлича таъминланмаганлиги муаммо бўлиб турибди.

3. Моддий-техник базанинг талабга жавоб бермаслиги. Умумий ўрта таълим мактабларининг моддий-техник базасини таҳлил қилиш натижасида аксарият таълим муассасаларида ўқув устахоналари етарли даражада талабга жавоб бермаслиги аниқланди.

